

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ҚОДИРОВА ГУЛНОЗА ҚОДИРЖОНОВНА**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА СУВДА ЭРИЙДИГАН  
ОРГАНОМИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ДИССЕРТАЦИЯ ҲИМОЯСИСИЗ ПАТЕНТЛАР АСОСИДА  
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРИШ БЎЙИЧА  
ТАҚДИМНОМА**

**Наманган – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/T2050 рақам билан рўйхатга олинган.

Иш Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бажарилган.

Илмий раҳбар:

**Шамшидинов Исраилжон Турғунович**  
техника фанлари доктори, профессор

Тақдимнома Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 рақамли илмий кенгашнинг «13» ноябрь 2021 йил соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7. Тел.: (+99869) 228-76-75, факс: (+99869) 228-76-71, e-mail: niei\_info@edu.uz).



**О.К. Эргашев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

**Д.Ш. Шерқўзиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

## КИРИШ (тақдимнома аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда қишлоқ хўжалиги учун яроқли тупроқларнинг қисқариши, сайёрамиз аҳолисининг кўпайиши ва чучук сув заҳираларининг етишмаслиги шароитида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш биринчи даражали вазифа ҳисобланади. Шу муносабат билан агросаноат мажмуасини экологик тоза минерал ва органоминерал ўғитлар, ўсимликларни ўсиши ва ривожланишининг стимуляторлари, томчилаб суғориш учун сувда тўлиқ эрийдиган азот-фосфор-калийли ўғитлар билан таъминлаш қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан биридир. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини сувда тўла эрийдиган фосфорли ва самарали органоминерал ўғитлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунё кимё саноати бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини юқори самарали органоминерал ўғитлар ва шу асосда ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишининг стимуляторларидан фойдаланган ҳолда томчилаб суғориш ва илдиздан ташқари озиқлантириш орқали етиштириш учун экологик тоза, сувда тўла эрийдиган фосфорли ва NPK ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада фосфоритлардан сувда тўла эрийдиган, экологик тоза, фторсизланган аммоний фосфатлари ҳамда ёмғир чувалчанги биогумусидан фойдаланган ҳолда суюқ органоминерал ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда Марказий Қизилқум фосфоритларини фосфорли ўғитларга ҳамда Ангрен кўмири оксидланган шаклини органоминерал ўғитларга қайта ишлаш бўйича муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида “юқори технологик қайта ишлаш тармоқларини, биринчи навбатда, маҳаллий хомашё ва йирик саноат чиқиндиларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш”<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада томчилаб суғоришдан фойдаланиш ҳисобига чучук сувлар сарфини камайтириш, иссиқхона хўжаликларини кенгайтириш, органоминерал ўғитлар, ўсимликларни ўстириш ва ривожлантириш стимуляторларини қўллаш, Марказий Қизилқум фосфоритларини сувда тўла эрувчан, экологик тоза фосфорли ўғитларга ҳамда ёмғир чувалчанги биогумусини суюқ органоминерал ўғитларга қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармон

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4256-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Илмий-техник ва патент адабиётларида Марказий Қизилқум фосфоритларини фосфорли оддий ва мураккаб НРК-ўғитларга қайта ишлаш усуллари бўйича катта миқдордаги илмий материаллар мавжуддир. Қайта ишлаш масалалари билан Набиев М.Н., Позин М.Е., Копылев Б.А., Кармышов В.Ф., Шапкин М.А, Зинюк Р.Ю., Цырлин Д.Л., Бруцкус Е.Б., Аосамяэ Э.Э., Бродский А.А., Суетинов А.А., Федюшкин Б.Ф., Беглов Б.М., Тўхтаев С., Намазов Ш.С., Ғафуров К., Адилова М.Р., Шамшидинов И.Т. ва бошқалар шуғулланишган.

Фосфат кислотанинг тоза тузларини олиш муаммолари билан Эркаев А.У., Мирзакулов Х.Ч., Усманов И.И. ва бошқалар шуғулланишган.

Марказий Қизилқум фосфоритлари таркиби бўйича ҳозирда маълум бўлган конлар фосфатли хомашёларидан тубдан фарқ қилади ва фосфоритларни қайта ишлашнинг мавжуд технологияларини уларга татбиқ этиб бўлмайди. Шу туфайли улар учун қўшимча илмий-тадқиқотлар ўтказиш ҳамда Марказий Қизилқум фосфоритлари учун мақбул техник ечимларни ишлаб чиқиш керак бўлади.

Республикамизда органоминерал ўғитлар соҳасида Намазов Ш.С., Беглов Б.М., Усанбаев Н.Х., Жуманова М.О. ва бошқалар шуғулланишган. Бироқ, ҳозирги пайтга қадар ёмғир чувалчанги биогумусини суяқ биоорганоминерал ўғитларга қайта ишлаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-12-39 «Маҳаллий карбонатли хомашёлардан фойдаланган ҳолда кальций ва магний фосфат ўғитлар олиш технологияси» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** экологик хавфсиз, сувда тўла эрийдиган аммоний фосфатлари ҳамда ёмғир чувалчанги биогумусини қайта ишлаш

асосидаги суюқ биоорганоминерал ўғит олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

экстракцион фосфат кислота (ЭФК) ишлаб чиқариш технологик циклида Марказий Қизилқум фосфоритларидан қисман фторсизлантирилган ва сульфатсизлантирилган ЭФК олиш жараёнини тадқиқ қилиш;

экстракцион фосфат кислотани темир ва алюминий, кальций, фтор каби йўлдош кўшимчаларидан чуқур тозалаш жараёнини тадқиқ қилиш;

модель қурилмаларда ва саноат-тажриба шароитида сувда тўла эрийдиган моноаммонийфосфат олиш технологиясини синовдан ўтказиш;

ёмғир чувалчанги биогумусини суюқ биоорганоминерал ўғитларга қайта ишлаш жараёнини ўрганиш;

саноат-тажриба шароитида ёмғир чувалчанги биогумусини суюқ биоорганоминерал ўғитларга қайта ишлаш технологиясини синовдан ўтказиш;

сувда тўла эрийдиган экологик хавфсиз моноаммонийфосфат ва суюқ биоорганоминерал ўғит олиш технологияларини ишлаб чиқиш, моддий балансини тузиш ва технологияларни синовдан ўтказиш, яратилган янги технологияларни «IFODA AGRO KIMYO HIMOYA» МЧЖ ва «UYCHI SONIBKOR AGRO EXPORT» МЧЖда тажриба-саноат ишлаб чиқариши шароитида синовдан ўтказиш ва татбиқ этишга керакли ҳужжатларни тайёрлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Марказий Қизилқум фосфоритлари, экстракцион фосфат кислота, кальций карбонатлари, газ ҳолатидаги аммиак, ёмғир чувалчанги биогумуси, моноаммонийфосфат, суюқ органоминерал ўғит олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ЭФКни йўлдош кўшимчалардан тозалаш ва сувда тўла эрийдиган аммоний фосфатларига қайта ишлаш ҳамда ёмғир чувалчанги биогумусини суюқ органоминерал ўғитларга қайта ишлаш технологиялари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида кимёвий, физик-кимёвий (рентгенофаза таҳлили, ИҚ-спектроскопик ва термогравиметрик таҳлил) ҳамда тажриба маълумотларини статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

экстракцион фосфат кислота ишлаб чиқариш технологик циклида кислотани фтор ва сульфатлардан тозалашнинг мақбул технологик кўрсаткичлари аниқланган ҳамда олий навдаги аммоний фосфатлари олиш мумкинлиги асосланган (№ IAP 06263);

НРК-ўғитлар олиш учун сувда тўла эрийдиган, фторсизланган аммоний фосфатлари олишнинг мақбул технологик кўрсаткичлари аниқланган (№ IAP 06263);

илк бор ишлаб чиқариш технологик циклида ЭФКни сульфатлар ва фтордан қисман тозалаш йўли билан олий навдаги аммоний фосфатлари ишлаб чиқариш технологияси яратилган (№ IAP 06263);

қисман тозаланган ЭФКни аммонийлаш босқичида темир, алюминий, кальций, фтор каби қўшимчалардан тозаланган моноаммонийфосфат ишлаб чиқариш технологияси яратилган (№ IAP 06263);

илк бор ёмғир чувалчангининг қаттиқ ҳолатидаги биогумусини томчилаб суғориш, гидропоника ва ўсимликларни илдиздан ташқари озиклантириш талабларига жавоб берадиган суяқ биоорганоминерал ўғитга қайта ишлаш усули ишлаб чиқилган (№ IAP 06411);

ёмғир чувалчанги биогумусини суяқ биоорганоминерал ўғитга қайта ишлаш технологияси яратилган (№ IAP 06411).

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Марказий Қизилқум фосфоритларидан фосфат кислотани экстракциялаш жараёнида фтор ва сульфат қўшимчаларидан қисман тозалаш ҳамда аммонийлаш босқичида чуқур тозалаш йўли билан юқори сифатли сувда тўла эрийдиган аммоний фосфатлари олишнинг технологик схемаси ва моддий баланси ишлаб чиқилган;

Ёмғир чувалчангининг қаттиқ ҳолатдаги биогумусини томчилаб суғориш, гидропоника ва илдиздан ташқари озиклантириш талабларига жавоб берадиган суяқ биоорганоминерал ўғитларга қайта ишлаш технологик схемаси ва моддий баланси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Кимёвий ва физик-кимёвий тадқиқотлар натижалари ишлаб чиқилган технологияларни саноат ишлаб чиқариши шароитидаги қурилмаларда синовдан ўтказилганлиги ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Марказий Қизилқум фосфоритларидан сувда тўла эрийдиган фторсизланган олий навдаги моноаммонийфосфат ҳамда ёмғир чувалчанги биогумусидан суяқ биоорганоминерал ўғит олиш учун илмий асос яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сувда тўла эрийдиган олий навдаги моноаммонийфосфат ва ёмғир чувалчанги биогумусидан суяқ биоорганоминерал ўғит олиш технологияларини яратилганлиги ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилганлигида кўринади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сувда тўла эрийдиган, экологик хавфсиз моноаммонийфосфат ҳамда ёмғир чувалчанги биогумусидан суяқ биоорганоминерал ўғит олиш технологияларини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сувда тўла эрийдиган моноаммонийфосфат олиш технологияси «IFODA AGRO KIMYO NIMOYA» МЧЖда амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 16 сентябрдаги 02/025-3741-сон маълумотномаси). Натижада, томчилаб суғориш учун NPK-ўғитлар ва суяқ биоорганоминерал ўғитлар ишлаб чиқариш учун Марказий Қизилқум

фосфоритларидан моноаммонийфосфат ва кўшимчалардан тозаланган экстракцион фосфат кислота олиш имконини берган (патент № IAP 06263, 2020);

ёмғир чувалчанги биогумусини суяқ биоорганоминерал ўғитларга қайта ишлаш технологияси «UYCHI SONIBKOR AGRO EXPORT» МЧЖда амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 16 сентябрдаги 02/025-3741-сон маълумотномаси). Натижада, ёмғир чувалчанги биогумусидан томчилаб суғориш, гидропоника ва илдиздан ташқари озиқлантириш талабларига жавоб берадиган, таркибида ўсимликларни ўстирувчи ва ривожлантирувчи экологик хавфсиз стимулятори бўлган юқори самарадор суяқ биоорганоминерал ўғитлар олиш имконини берган (патент № IAP 06411, 2021).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 2 та ихтирога патентлар олинган.

## ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**1. Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг «Аммоний фосфатлари олиш усули» (№ IAP 06263 – 2020 й.) ихтирога патенти.**

Биринчи бобда фосфат кислотали гипсли бўтқага филтрлашдан олдин таркибида кальций бўлган реагентлар – кальций карбонат ва ювиб куйдирилган фосфатли концентрат (ЮКФК) киритилганда, уларнинг экстракцион фосфат кислота (ЭФК) кимёвий таркибига таъсирининг натижалари келтирилган.

Таркибида кальций бўлган реагентнинг СаО бўйича меъёри кальций фторид ҳосил бўлиши ҳисобига 80 дан 300% гача ўзгаради ва сульфатларни боғлаш ҳисобига 100% бўлади. Олинган маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Экстракцион бўтқага кальций карбонат кўшилганда олинадиган маҳсулот – экстракцион фосфат кислота концентрацияси 20,15% дан 20,71% гача ортади. Бунда СаО миқдори 0,41% дан 3,89% гача ортади ва SO<sub>3</sub> миқдори 2,22% дан 0,44% гача камаяди. Экстракцион бўтқадаги фторни чўктиришда кальций карбонатнинг ортиқча миқдори бўтқадаги сульфат кислотанинг ортиқча миқдори билан таъсирлашиб кальций сульфат ҳамда фосфат кислота билан таъсирлашиб монокальцийфосфат ҳосил бўлишига сарфланади. Бунда ЭФК маҳсулотидаги фтор миқдори 1,32% дан 0,25% гача

камаяди, бу эса кальций карбонат қўшилмагандагига нисбатан 4,1-5,3 марта кам эканлигини кўрсатади, фторсизланиш даражаси эса 87% ни ташкил этади.

### 1-жадвал

#### Экстракциялашда сульфатлар ва фтордан тозалаш даражасининг ЭФК таркибига таъсири

Кальций карбонат меъёри, %		ЭФК кимёвий таркиби, оғ. %					
SO <sub>3</sub> бўйича	F бўйича	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	CaO	MgO	SO <sub>3</sub>	F	R <sub>2</sub> O <sub>3</sub>
-	-	20,15	0,41	0,82	2,22	1,32	0,61
100	80	20,70	0,59	0,83	0,51	0,48	0,61
100	100	20,71	0,76	0,84	0,48	0,32	0,60
100	120	20,66	2,06	0,84	0,45	0,27	0,59
100	150	20,55	2,36	0,83	0,44	0,25	0,59
100	300	20,25	3,89	0,79	0,45	0,26	0,58

Экстракцион бўтқага кальций карбонат қўшиш ҳисобига учта муаммо: олинадиган кислотани қисман фторсизлаш ва сульфатсизлантириш ҳамда уни кальций ионлари билан бойитиш ечилади.

Мазкур жараён мураккаб ҳисобланади, чунки ЭФКда яхши эрийдиган магнийнинг сульфат ва монофосфатлари кальций карбонат билан кальцийнинг сульфат ва монофосфатларини ҳосил қилиши орқали таъсирлашиши мумкин. Лекин, магний карбонат ҳам шу заҳоти фосфат кислота билан таъсирлашиб, магний монофосфатини ҳосил қилади. Буни ЭФКдаги магний миқдорининг деярли ўзгармаслиги ва 0,79-0,84% доирасида сақланиши билан тасдиқланади.

Кальций карбонатнинг оптимал меъёри кальций фторид ҳосил бўлишига 100-120% ва кальций сульфат ҳосил бўлишига 100% ҳисобланади. Бунда сульфатлар миқдори 0,45% гача, фтор миқдори эса 0,25-0,32% гача камаяди, экстракциялашда фторнинг газ фазасига ўтиш даражаси 5,4% дан 4,1-4,2% гача камаяди, фосфогипсга ўтиш даражаси эса 40,5% дан 82,5-87% гача ортади.

Фтор ва сульфатлардан олдиндан тозаланган кислотанинг нисбатан тоза эритмаларини олиш учун газ ҳолатидаги аммиак билан рН=3,8-5,5 гача аммонийланади. Сульфатлар ва фторнинг қолдиқ миқдори кальций ионлари билан CaSO<sub>4</sub> ва CaF<sub>2</sub> тарзида, темир ва алюминий ионлари эса FePO<sub>4</sub> ва AlPO<sub>4</sub> тарзида чўқади. Чўкма декантациялаш йўли билан эритмадан ажратилади.


2-жадвалда аммонийлаш даражасининг (рН) сувда тўла эрийдиган аммоний фосфатлари кимёвий таркибига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

рН қиймати 3,8 дан 5,5 гача ортганда фторнинг 0,11% дан 0,01% гача ва сульфатларнинг 0,24% дан 0,02% гача камайиши баробарида P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> ва азот миқдорлари мувофиқ ҳолда 56,91% ва 11,54% дан 59,95% ва 14,21% гача ортади.



**Аммонийлаш даражасининг моноаммонийфосфат кимёвий таркибига таъсири**

pH	Моноаммонийфосфатнинг кимёвий таркиби, оғ. %				
	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	N	F	SO <sub>3</sub>	H <sub>2</sub> O
3,8	56,91	11,54	0,11	0,24	1,43
4,5	58,63	12,83	0,03	0,08	2,54
5,2	59,95	13,71	0,01	0,04	2,18
5,3	58,81	14,03	0,01	0,03	2,27
5,5	57,48	14,21	0,01	0,02	1,34



**1-расм. Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида юқори сифатли сувда эрийдиган аммоний фосфатлари олиш блок-схемаси.**

**Қўлланилиш соҳаси:** фосфорли ўғитлар кимёси ва кимёвий технологияси

**Вазифаси:** технологик жараённи соддалаштириш, фтор ва сульфатлардан чуқур тозалаш ҳамда тайёр маҳсулотдаги P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> миқдорини ошириш.

**Ихтиро моҳияти:** аммоний фосфатлари олишнинг маълум бўлган усулларида фарқи шундаки, бунда сульфат-фосфатли экстракцион бўтқага филтрлашдан олдин аралаштириб турган ҳолда SO<sub>3</sub> миқдорига нисбатан 100% (CaO:SO<sub>3</sub>=1:1) ва фтор миқдорига нисбатан 100-300% (CaO:2F=(1-3):1) меъёрида таркибида кальций бўлган реагент қўшилади. Таркибида кальций бўлган реагент сифатида кальций карбонат, кальций оксид ёки фосфатли хомашё ишлатилади.

1-расмда Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида юқори сифатли сувда эрийдиган аммоний фосфатлари олиш блок-схемаси кўрсатилган.

Шундай қилиб, экстракциялашда фосфат кислотани қисман тозалаш ҳамда экстракцион фосфат кислотани аммонийлашда тўла тозалаш йўли билан юқори сифатли сувда эрийдиган аммоний фосфатлари олиш мумкин бўлади. Натижада бир пайтнинг ўзиде фторни 0,11% дан 0,01% гача ва сульфатларни 0,24% дан 0,02% гача камайтириш баробарида таркибида 56,91-59,95% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> ва 11,54-14,21% N бўлган маҳсулот олинди. Олинган маҳсулотлар сувда тўла эрийдиган азот-фосфорли ўғит ҳисобланади ҳамда кишлок хўжалиги экинларини томчилаб суғориш ва гидропоника йўли билан етиштиришда ўғит сифатида ишлатилади.

Қўйилган масалани ҳал этиш шундай амалга ошириладики, фосфатли хомашёни концентранган сульфат кислота билан айланма фосфат кислота иштирокида парчалаш, кальций сульфат дигидратини ажратиш учун олинган сульфат-фосфатли бўтқани филтрлаш, олинган сульфатсизлантирилган фосфат кислотага газ ҳолатидаги аммиак билан  $pH=3,8-5,0$  гача ишлов бериш, чўкмани центрифугалаш йўли билан ажратиш, тинилган эритмани буғлатиш, кристаллантириш ва олинган маҳсулотни қуришини қамраб олган аммоний фосфатлари олиш усули шу билан фаркланадики, бунда сульфат-фосфатли бўтқани филтрлашдан олдин унга аралаштириб турган ҳолда  $SO_3$  миқдорига нисбатан 100% ( $CaO:SO_3=1:1$ ) ва фтор миқдорига нисбатан 100-300% ( $CaO:2F=(1-3):1$ ) меъёрида таркибида кальций бўлган реагент қўшилади.

Таркибида кальций бўлган реагент сифатида кальций карбонат, кальций оксид ёки фосфатли хомашё (фосконцентрат) ишлатилади.

Бундан ташқари,  $SO_3$  ва фторнинг умумий миқдорига керак бўладиган  $CaO$  нинг стехиометрик меъёрига нисбатан сульфатларни боғлашга 100% ва кальций фторид ҳосил бўлишига 100-300%, аниқроғи 100-120% миқдордаги таркибида кальций бўлган реагент қўшилади.

Тайёр бўлган сульфат-фосфатли бўтқага таркибида кальций бўлган реагентнинг киритилиши сульфатлар ва фтор миқдорини камайтириш ҳамда кислотани кальций билан бойитиш имконини беради.

Таркибида кальций бўлган реагент сифатида кальций карбонат, кальций оксид ёки фосфатли хомашёдан фойдаланиш бирданига учта муаммони ечилишини: олинадиган кислотани қисман фторсизлаш ва сульфатсизлантириш ҳамда уни кальций ионлари билан бойитишни таъминлайди. Фосфат кислотани кейинчалик аммиак билан қайта ишланганда кальций ионлари эритмада қолган фтор ионларини кам эрийдиган бирикма –  $CaF_2$  тарзида боғлайди.

Сульфат-фосфатли экстракцион бўтқага таркибида кальций бўлган реагент қўшилганда у кальций сульфат дигидрати, қисман кальций фторид чўкмасининг ажралиши ҳамда эритмада монокальцийфосфат ҳосил қилиш билан фосфат ва ортиқча сульфат кислоталарида парчланади.

$SO_3$  нинг умумий миқдори ( $CaO:SO_3=1:1$ ) ва фтор ионларини  $CaF_2$  га 100% боғлашга ( $CaO:2F=1:1$ ) талаб этиладиган  $CaO$  нинг 100% стехиометрик меъёрида киритилладиган кальцийли реагентнинг қуйи чегараси сульфатлар ва фторни кам эрийдиган бирикмалар ҳолатида боғлаш ҳисобига танлаб олинган.

Кальций фторид ҳосил бўлишига 300% лик юқори чегара ( $CaO:2F=3:1$ ) эса фақат иқтисодий нуқтаи назарни эътиборга олган ҳолда танлаб олинган.  $CaO$  меъёри қанчалик кўп олинса, аммиак билан ишлов берилганда  $CaF_2$  ҳамда темир ва алюминий фосфатлари билан биргаликда шунчалик кўп  $CaHPO_4 \cdot 2H_2O$  тарзида  $P_2O_5$  чўкмага ажралиб чиқади.

Қуйида аммоний фосфатлари олишнинг энг яқин аналоғи ва таклиф этилган усулларини таққослаш маълумотлари келтирилган (3-жадвал).

**Аммоний фосфатлари олишнинг энг яқин аналоглари ва таклиф этилган усулларини таққослаш маълумотлари**

Т/р	Олиш усули	Аммоний фосфатлари таркиби, оғ. %			
		P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	N	F	SO <sub>3</sub>
1	Маълум бўлган усул, энг яқин аналог	53-55	11,7-12,4	0,1-0,2	4-4,5
2	Таклиф этилган усул	58-60	11,8-12,1	0,01-0,03	0,02-0,08

Жадвалдан кўринадики, аммоний фосфатлари олишнинг таклиф этилган усули ўғит таркибидаги сульфатлар миқдорини 4-4,5% дан 0,02-0,08% гача, фтор миқдорини 0,1-0,2% дан 0,01-0,03% гача камайтириш ва P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> миқдорини 53-55% дан 58-60% гача ошириш ҳамда томчилаб суғоришда ишлатиладиган NPK-ўғитлар ишлаб чиқариш учун яроқли бўлган сувда тўла эрийдиган моноаммонийфосфат олиш имконини беради.

Ихтирога мазкур патент асосида «IFODA AGRO KIMYO HIMOYA» МЧЖда экологик хавфсиз, сувда тўла эрийдиган, фторсизланган моноаммонийфосфат ишлаб чиқариш ҳамда уни томчилаб суғориш учун сувда тўла эрийдиган NPK-ўғитларга қайта ишлаш йўлга қўйилган. Кўшимчалардан тозаланган кислота ва моноаммонийфосфатдан «UYCHI SONIBKOR AGRO EXPORT» МЧЖда барпо этилган суюқ биоорганоминерал ўғит ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган.

**2. Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг «Суюқ биоорганик минерал ўғит олиш усули» (№ IAP 06411 – 2021 й.) ихтирога патенти.**


**Иккинчи боб** ёмғир чувалчанги биогумуси асосида биоорганоминерал ўғит олишга бағишланган.

Томчилаб суғориш ва гидропоника усуллари билан мева ва сабзавотлар етиштиришда ёмғир чувалчанги биогумуси яроқсиз ҳисобланади. Шу боисдан мева ва сабзавот маҳсулотларини етиштиришда томчилаб суғориш ва гидропоника усуллари учун махсус сувда тўла эрийдиган NPK-ўғитлар, таркибида микроэлементлар, физиологик фаол моддалар, ўсимликларни ўстириш ва ривожлантириш стимуляторлари бўлган суюқ комплекс ва биоорганоминерал ўғитлар ишлаб чиқариш технологиялари яратилмоқда. Томчилаб суғориш ва гидропоника усулида ҳосил етиштиришда биоорганоминерал ўғитлар соҳасидаги бўшлиқни тўлдириш учун ёмғир чувалчанги биогумуси асосида суюқ биоорганоминерал ўғит ишлаб чиқариш технологияси яратилди.

Суюқ биоорганоминерал ўғитлар ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик схемаси 2-расмда келтирилган.

Ташқи қиздиргичли (30-35<sup>0</sup>C) реакторга (1-тасвир) 5000 кг сув ва 500 кг эланган ва майдаланган биогумус солинади ва аралаштириш орқали суспензия ҳосил қилинади. Бу ерга 50 кг озуқа муҳити (шакар, патока ва

ш.к.) ҳам қўшилади. Биогумуснинг сувга нисбати 1:10 ни ташкил этади. Биогумусни сув билан мунтазам аралаштирилишини таъминлаш учун реактор устига айлантурувчи двигател ва унинг айланиш ўқиға аралаштиргич маҳкамланган. Аралаштиргичнинг айланиш тезлиги 180 айл/минут, реактор сувли ниқобидаги ҳарорат 30-35<sup>0</sup>С да ушлаб турилади.



**2-расм. Ёмғир чувалчанги биогумусидан суюқ биоорганиминерал ўғитлар ишлаб чиқаришнинг принципаал технологик схемаси:**

1-реактор; 2-бактериал ажратма йиғгичи; 3-суюқ биоорганиминерал ўғит тайёрлаш аралаштиргичи; 4-ишқорий экстрактлар нейтраллагичи; 5-йиғгич-тиндиргич; 6-фильтр; 7-тайёр маҳсулот омбори.

Биогумуснинг сув билан аралашмаси реакторда даврий 40 минутдан аралаштириб турилади. Шу билан бир вақтда реакторга 120 минут давомида биогумусдан сувли ажратма аэрацияси учун компрессор ёрдамида ҳаво бериб турилади. Аэрация тугагач, биогумуснинг аралаштирилган суспензияси реакторда ушлаб турилади, у ерда 2 соат давомида тиндирилади. Чўкма устидаги тинилган бактериал ажратма реактордан насос ёрдамида йиғгичга (2-тасвир) ўтказилади.

Реактордаги (1-тасвир) қолдиқ чўкмага 5000 кг (1:10 нисбатида) қайноқ сув (70-80<sup>0</sup>С) қўшилади. Реактор ниқобидаги сув ҳарорати ҳам 70-80<sup>0</sup>С гача етказилади. Сўнгра реактордаги суспензияга 35 кг (биогумусга нисбатан 1:0,07 нисбатда) нитрат кислота қўшилади ва жараён мунтазам аралаштириб турган ҳолда 2 соат давом этади. Сўнгра декантация жараёни – биогумусдан нитрат кислотали эритмани тиндириш ва ажратиб олиш амалга оширилади, сўнгра чўкма устидаги кислотали ажратма насос ёрдамида реактордан йиғгич-тиндиргичга (4-тасвир) ўтказилади.

Реактордаги (1-тасвир) қолдиқ чўкмага 5000 кг (1:10 нисбатида) қайноқ сув ( $70-80^{\circ}\text{C}$ ) кўшилади. Сўнгра реактордаги суспензияга 25 кг натрий ишқори (биогумусга нисбатан 1:0,05 нисбатда) кўшилади ва экстракция жараёни 2 соат давомида мунтазам аралаштириб турган ҳолда амалга оширилади. Бунда биогумусдан сувли эритмага гумин кислоталарининг экстракцияси содир бўлади.

Сўнгра декантация жараёни – биогумусдан биринчи ишқорий эритмани тиндириш ва ажратиб олиш амалга оширилади, сўнгра чўкма устидаги ишқорий ажратма насос ёрдамида реактордан йиғич-тиндиргичга (5-тасвир) ўтказилади.

Реактордаги чўкмага қиздиргичдан 1:10 нисбатида қайноқ сув ( $70-80^{\circ}\text{C}$ ) кўшилади. 2 соат давомидаги экстракция жараёнида аралаштиргич даврий равишда амалга оширилади ва 30 кг калий ишқори (биогумусга нисбатан 1:0,06 нисбатда) ҳамда гумин кислоталарни тўла ажратиб олиш реагенти сифатида 160-200 кг (1:0,3-0,4 нисбатда) ғўзапоя кули кўшилади. Экстракция жараёни мунтазам аралаштириб турган ҳолда 2 соат давом этади. Бунда биогумусдан сувли эритмага гумин кислоталарининг тўла экстракцияси содир бўлади.

Сўнгра 2 соатлик тиндириш жараёнидан сўнг декантация жараёни – биогумусдан иккинчи ишқорий эритмани тиндириш ва ажратиб олиш амалга оширилади, чўкма устидаги тиндирилган ишқорий ажратма насос ёрдамида реактордан йиғич-тиндиргичга (5-тасвир) ўтказилади.

Йиғич-тиндиргичдаги (5-тасвир) ишқорий ажратмалар аралашмаси  $20-30^{\circ}\text{C}$  ҳароратгача табиий совутилади. Совутилган ишқорий эритма йиғичга (4-тасвир) узатилади, натижада ишқорнинг бир қисми йиғичдаги нитрат кислотаси билан нейтралланади.

Йиғичдаги (4-тасвир) кислота-ишқорий аралашма мунтазам аралаштириб турган ҳолда рН-муҳити 8-9 га етгунча минерал кислоталарнинг кичик-кичик улушларини кўшиш билан нейтралланади ва натижада нейтралланган ишқорий ажратма ҳосил қилинади. Минерал кислота сифатида термик фосфат кислота ёки бегона кўшимчалардан (фтор, сульфат ва бошқа) тозаланган экстракцион фосфат кислота ишлатилади.

Суюқ биоорганоминерал ўғитлар олиш учун йиғичдаги (2-тасвир) бактериал ажратма ҳамда йиғичдаги (4-тасвир) нейтралланган ишқорий ажратманинг аралашмаси йиғичда (3-тасвир) 1:6 нисбатда аралаштирилади.

Тайёр маҳсулот 20 мкм тешикли фильтр (6-тасвир) орқали ўтказилади ва тайёр маҳсулот омборига (7-тасвир) ёки истеъмолчига юборилади.

Цикл яқунлангандан кейин реактор, фильтр ва йиғичларда (1-, 3- ва 6-тасвирлар) қоладиган яримсуюқ чўкма алоҳида идишга ўтказилади. Уни ҳам кейинчалик қаттиқ органикоминерал ўғит сифатида ишлатилиши мумкин.

Биогумусдан ажратиб олинган ишқорий экстракт ва суюқ биоорганоминерал ўғитнинг реологик хоссалари 4-жадвалда келтирилган.

Шундай қилиб, мазкур технологияни саноат ишлаб чиқариш шароитида ўзлаштириш орқали агросаноат корхоналарини ноёб истеъмол хоссасига эга

самарадор суюқ биоорганоминерал ўғитларга бўлган талабини кондириш таъминланади. Бу ўғитлар юқори сифати билан ажралиб туради, узок муддат сақланиши, томчилаб суғориш ва гидропоника учун ишлатилиши мумкин ва юқори экспорт потенциалини намоён этади. Маҳсулот юқори рентабелли бўлиб, юқори қўшимча қийматли ва агрокимёвий самарадор ҳисобланади.

#### 4-жадвал

#### Биогумусдан ажратиб олинган ишқорий экстракт ва суюқ биоорганоминерал ўғитнинг реологик хоссалари

Ҳарорат (t), °C	Ишқорий экстракт		Суюқ биоорганоминерал ўғит	
	Зичлик ( $\rho$ ), г/см <sup>3</sup>	Қовушқоқлик ( $\eta$ ), сПз	Зичлик ( $\rho$ ), г/см <sup>3</sup>	Қовушқоқлик ( $\eta$ ), сПз
25	1,0246	1,06	1,0150	1,05
30	1,0223	0,96	1,0135	0,95
40	1,0175	0,83	1,0102	0,81
50	1,0131	0,73	1,0070	0,72
60	1,0090	0,66	1,0037	0,64
70	1,0047	0,61	1,0000	0,58
80	1,0007	0,58	0,9963	0,54

**Қўлланилиш соҳаси:** ёмғир чувалчанги биогумусидан таркибида гумин моддалари бўлган субстратлар асосида қишлоқ хўжалиги учун суюқ биоорганоминерал ўғитлар технологияси.

**Вазифаси:** озуқа моддалари (N, P, K) миқдорини ва физиологик фаоллигини ошириш, унинг таркибидаги 20 мкм дан йирик ўлчамдаги заррачаларни йўқотиш орқали ўғитлардан томчилаб суғоришда фойдаланиш имкониятини яратиш.

**Ихтиро моҳияти:** суюқ биоорганоминерал ўғитлар олишнинг маълум бўлган усулларида фарқли равишда таркибида гумин моддалари бўлган субстрат сифатида вермикомпостлар ўрнида ёмғир чувалчанги биогумусидан фойдаланилган, ишқорий эритма сифатида калий гидроксиднинг 0,1 N эритмаси билан ғўзапоя кулининг  $K_2O:кул = 1:(10-15)$  нисбатдаги аралашмаси ишлатилган, кислотали ва ишқорий экстрактлар йиғиндиси фосфат кислота (ёки тозаланган ЭФК) билан  $pH=8-9$  гача нейтралланади.

Қўйилган масалани ҳал этиш шундай амалга ошириладики, микробиологик ферментация орқали бактериал суспензияни олиш билан сувда олдиндан бўктириш, тиндириш ва сувли суспензияни ажратиш, чўкмадан нитрат кислотали ажратмани олиш, тиндириш ва кислотали экстрактни ажратиш, ишқор эритмасининг 0,1 N эритмаси ёрдамида қолдиқ чўкмадан ишқорий экстрактни олиш, кислотали ва ишқорий экстрактларни бирлаштириш, кислотали ва ишқорий экстрактлар аралашмасини концентранган минерал кислота билан нейтраллаш, нейтралланган кислотали ва ишқорий экстрактлар аралашмасини бактериал суспензиялар билан аралаштириш жараёнларини ўз ичига олган таркибида гумус моддалари бўлган субстратлардан суюқ биоорганоминерал ўғит олиш

усулида таркибида гумус моддалари бўлган субстрат сифатида ёмғир чувалчанги биогумуси ишлатилган, гомогенизациялаш биогумус:сув = 1:3 нисбатида 40 минут давомида ўтказилган, микробиологик ферментация 2 соат давомида амалга оширилган, қолдиқ чўкмага (қ.ч.) қ.ч.:сув = 1:3 нисбатида сув қўшилган ва эритма рН қиймати 4 бўлгунча нитрат кислота қўшилган, аралашмани хона ҳароратида 30 минут давомида мунтазам аралаштириб турилган, ишқорий эритма сифатида калий гидроксиднинг 0,1 N эритмаси билан ғўзапоя кулининг  $K_2O:кул = 1:(10-15)$  нисбатдаги аралашмаси ишлатилган, кислотали ва ишқорий экстрактлар йиғиндиси фосфат кислота (ёки тозаланган ЭФК) билан рН=8-9 гача нейтралланган. Ишқорий экстрактни нейтраллаш учун фосфат кислота ва моноэтанолламиннинг  $P_2O_5:МЭА = 1:(0,01-0,1)$  нисбатдаги аралашмасидан фойдаланилган.

Ёмғир чувалчанги биогумусини ишлатиш вермикомпостлар ишлатилгандаги 3-10 соат ўрнига ферментация давомийлигини 2 соатгача қисқартириш имконини берган.

Ќўзапоя кулидан фойдаланиш қимматбаҳо натрий ва калий пиродифосфатлари сарфини камайтиради, бунда кул ғўзапояни ёқишда ҳосил бўладиган чиқинди ҳисобланади. Иккинчидан, кул миқдори 4,5-7,0 кг ни ташкил этади. Кулни ишлатиш билан бир қаторда ўғит таркибига қўшимча калий ва фосфор киради, гумин моддаларини максимал ажралишини таъминлайди. Бунда калий гидроксиднинг 0,1 N эритмасидаги  $K_2O$  ва кул масса нисбати 1:(10-15) ни ташкил қилади.

Қўшиладиган кул миқдори тажриба йўли билан аниқланган. 4,5 кг дан кам миқдорда кул қўшилганда гумин кислоталарнинг ажралиш кўрсаткичи камаяди. 7,0 кг ва ундан зиёд миқдордаги кул қўшилганда гумин кислоталар ажралиш кўрсаткичларига сезиларли даражада таъсир кўрсатмайди.

Нитрат кислота ўрнида фосфат кислота ишлатилганда рН муҳитининг белгиланган даражасига, шу билан бирга тайёр маҳсулотдаги  $P_2O_5$  миқдорининг ортишига эришилади. Фосфат кислота билан моноэтанолламин қўшилганда суяқ ўғитнинг агрокимёвий хоссасининг яхшиланиши таъминланади. Кислотага моноэтанолламин қўшилганда ўсимликларни ўсиши ва ривожланишини тезлаштирадиган жуда ҳам самарадор стимулятор – моноэтанолламин фосфат ҳосил бўлади. Моноэтанолламин миқдори фосфат кислота концентрациясига боғлиқ ҳолда 0,2-4,5 кг ни ташкил этади ва масса нисбати  $P_2O_5:МЭА = 1:(0,01-0,1)$  ни ташкил қилади.

5-жадвалда суяқ биоорганоминерал ўғит олишнинг энг яқин аналоги ва таклиф этилган усулларини таққослаш маълумотлари келтирилган.

Жадвалдан кўринадики, таклиф этилган усул озуқа моддалари миқдорининг юқори кўрсаткичи билан суяқ биоорганоминерал ўғит олиш имконини беради. Масалан, қуруқ қолдиқ миқдори 2-3% дан 5% гача,  $P_2O_5$  миқдори 5000 мг/100 г гача,  $K_2O$  миқдори 6000 мг/100 г гача ортади, гумин моддалари миқдори 4-6 г/л ни ташкил этади.

**Суюқ биоорганоминерал ўғит олишнинг энг яқин аналоги ва таклиф этилган усуллари таққослаш маълумотлари**

<b>Т/р</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Маълум бўлган усул, энг яқин аналог</b>	<b>Таклиф этилган усул</b>
1	Қуруқ модда миқдори, % дан кам эмас	2-3	5
2	Азот миқдори, мг/100 г қуруқ модда	2000	2000
3	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> миқдори, мг/100 г қуруқ модда	3200	5000
4	K <sub>2</sub> O миқдори, мг/100 г қуруқ модда	4300	6000
5	Гумин моддалари миқдори, мг/100 г қуруқ модда	3-5	4-6
6	Моноэтанолламин фосфат миқдори, %	---	0,01-0,1

Ихтирога мазкур патент асосида «UYCHI SOHIBKOR AGRO EXPORT» МЧЖда ёмғир чувалчанги биогумусини комплекс қайта ишлаш йўли билан суюқ биоорганоминерал ўғит олиш технологияси ўзлаштирилди. Мазкур корхонада 1,3 млрд сўмлик 800 тоннадан зиёд суюқ биоорганоминерал ўғит ишлаб чиқарилган. Натижада 12,2 млн АҚШ доллари иқтисод қилинган.



## ХУЛОСА

1. Фосфат-сульфат кислотали гипсли бўтқага филтрлашдан олдин кальций фторид ҳосил бўлиши ҳисобига 80 дан 300% гача ва  $SO_3$  ни боғлаш учун 100% миқдорида таркибида кальций бўлган реагент – кальций карбонат, кальций оксид ва фосфатли хомашё қўшиш меъёрининг таъсири ўрганилди. Олинадиган ЭФКни сульфат ва фтор қўшимчаларидан қисман тозалашнинг оптимал технологик кўрсаткичлари аниқланди.

2. Моноаммонийфосфат олиш технологик циклида қисман тозаланган ЭФКни темир ва алюминий бирикмалари, кальций ва фтордан чуқур тозалаш жараёни ўрганилди ва жараённинг оптимал технологик кўрсаткичлари аниқланди.

3. Марказий Қизилқум фосфоритлари асосидаги ЭФКни тозалаш технологияси ишлаб чиқилди ва у «IFODA AGRO KIMYO HIMOYA» МЧЖда татбиқ этилди.

4. Илк бора ёмғир чувалчанги биогумусидан сувли эритмага микробиологик ферментациялаш йўли билан бактериал суспензияни, ишқорий ва кислотали экстракциялаш йўли билан гумин моддалари ва минерал тузларни ажратиб олиш жараёнлари ўрганилди. Ёмғир чувалчанги биогумусини таркибида азот, фосфор, калий ва гумин моддалари бўлган суюқ биоорганоминерал самарадор ўғитга қайта ишлашнинг оптимал технологик кўрсаткичлари аниқланди.

5. Ёмғир чувалчанги биогумусини суюқ биоорганоминерал ўғитга қайта ишлаш технологияси яратилди ҳамда ишлаб чиқилган технология «UYSHI SONIBKOR AGRO EXPORT» МЧЖда татбиқ этилди. Мазкур корхонада 1,3 млрд сўмлик 800 тоннадан зиёд суюқ биоорганоминерал ўғит ишлаб чиқарилди.

# ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ

## І бўлим (І часть)

### Илмий мақолалар (научные статьи)

1. Кодирова Г.К., Шамшидинов И.Т., Тураев З., Нажмиддинов Р.Ю. Исследование процесса получения высококачественных фосфатов аммония из экстрактивной фосфатной кислоты на основе фосфоритов Центрального Кызылкума // *Universum: Технические науки: электрон. научн. журн.* 2020. – № 12(81). – С. 71-75. (02.00.00, № 1)

2. Кодирова Г.К., Шамшидинов И.Т., Нажмиддинов Р.Ю. Биогумусдан суюқ биоорганоминерал ўғитлар олиш жараёнини тадқиқ қилиш // *ФарПИ илмий-техника журнали.* – Фарғона: ФарПИ, 2020. – Т. 24. – Махсус сон № 2. – Б. 218-222. (05.00.00, №20).

3. Патент № IAP 06263 (UZ). Способ получения фосфатов аммония // Шамшидинов И.Т., Усманов И.И., Мирзакулов Х. Ч., Мамуров Б.А., Кодирова Г.К. / *Бюл. № 8, 2020 г.*

4. Патент № IAP 06411 (UZ). Способ получения жидкого биоорганоминерального удобрения // Шамшидинов И.Т., Шамшидинов Т.Т., Усманов И.И., Кодирова Г.К. / *Бюл. № 2, 2021 г.*

5. Gulnoza Kodirova, Israiljon Shamshidinov, Voxodir Sultonov, Rikxsitilla Najmiddinov and Bakhodir Mamurov. Investigation of the Process of Purification of Wet-Process Phosphoric Acid and Production of Concentrated Phosphoric Fertilizers Based on it // *Chemical Science International Journal* 30 (1): 2021. – P. 1-10 (02.00.00, №2).

6. Gulnoza Kodirova, Israiljon Shamshidinov, Zokir Mamadjanov, Rikxsitilla Najmiddinov. Purification of fluorine and sulphate impurities during the extraction of phosphoric acid and study of the process of obtaining high-grade ammonium phosphates // *Scientific and technical journal of Namangan institute of engineering and technology.* – Vol 6. – Issue (1): 2021. – P. 109-118 (05.00.00, №33).

## II бўлим (II часть; II part)

7. Шамшидинов И.Т., Қодирова Г.К., Отамирзаев С.О. Марказий Қизилқум фосфоритлари асосидаги экстракцион фосфат кислотадан олий навдаги аммофос олиш // «Таълимда замонавий ахборот-коммуникацион технологиялари: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Наманган: НамМҚИ, 2018 й., 24-25 май. – Б. 47-49.

8. Кодирова Г.К., Шамшидинов И.Т., Усманов И.И. Технология производства жидких биоорганоминеральных удобрений // «Фарғона водийси ҳудудларидаги маҳаллий хом-ашёлардан фойдаланиш асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришининг долзарб

масалалари» мавзусида Халқаро конференция материаллари тўплами. – Наманган: НамМҚИ, 2018, 27-28 октябрь. – С. 481-484.

9. Кодирова Г.К., Усманов И.И., Шамшидинов И. Т., Меликузиева Г.К. Исследование процесса обесфторивания и обессульфачивания экстракционной фосфорной кислоты // Сборник материалов международной конференции «Современное состояние и перспективы развития производства фосфорсодержащих удобрений на основе фосфоритов Центральных Кызылкумов и Каратау». – Ташкент: ИОНХ АН РУз, 2018. – С.74-75.

10. Кодирова Г.К., Шамшидинов И.Т., Тўраев З., Усманов И.И. Марказий Қизилқум фосфоритлари асосидаги экстракцион фосфат кислотадан юқори сифатли аммоний фосфатлари олиш // “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги, ресурс, энергия тежамкор ва инновацион технологиялар самарадорлиги” мавзусида Халқаро микёсида илмий-техник конференция материаллари тўплами, 2019 йил 28-30 ноябрь. – Наманган: НамМҚИ, 2019. – Б. 36-40.

11. Кодирова Г.К., Шамшидинов И.Т., Мамаджанов З.Н., Усманов И.И. Получение жидких биоорганоминеральных удобрений из биогумуса дождевых червей // «Таълим сифатини оширишда инновацион таълим технологияларининг ўрни: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги Республика микёсида илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Наманган: НамМҚИ, 2019. 29-30 март. – С. 166-168.

12. Кодирова Г.К., Шамшидинов И.Т. Маҳаллий хомашё асосида суяқ биоорганоминерал ўғитлар олиш жараёнини ўрганиш // «Илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг инновацион ривожлантиришдаги замонавий муаммолар» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Андижон: АндМИ, 2020. – Б. 682-688.

13. Шамшидинов И.Т., Кодирова Г.К. Биогумусдан суяқ биоорганоминерал ўғит олиш технологияси // НамМҚИ Механика ва технология илмий журнали. – Наманган: НамМҚИ, 2020. – № 1. – Б. 163-165.

14. Кодирова Г.К., Шамшидинов И.Т. Паст навли фосфоритлардан юқори сифатли кальций ва магний фосфатли ўғитлар олиш // Материалы Международной конференции по теме «Совершенствование и внедрения инновационных идей в области химии и химической технологии». – Фергана: ФерПИ, 23-24 октября 2020 года. – С. 186-191.

15. Қодирова Г.Қ., Шамшидинов И.Т., Мелиқўзиева Г.Қ. Марказий Қизилқум фосфоритларидан юқори сифатли аммоний фосфатлари олиш // «Маҳаллий хомашёлар ва иккиламчи ресурслар асосидаги инновацион технологиялар» мавзусидаги Республика илмий-техник анжумани материаллар тўплами. – Урганч: УрДУ, 2021. - Б. 128-129.

16. Қодирова Г.Қ., Шамшидинов И.Т., Нажмиддинов Р.Ю., Жўраев О. Ёмғир чувалчанги биогумусини суяқ органоминерал ўғитларга қайта ишлаш технологияси // «Ўзбекистонда илм-фан, таълим ва технологияни ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусидаги Республика микёсида илмий-амалий анжумани материаллар тўплами. – Наманган: НамМҚИ, 2021.

IXTIROGA  
**PATENT**  
ПАТЕНТ НА ИЗОБРЕТЕНИЕ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI  
INTELLEKTUAL MULK AGENTLIGI  
АГЕНТСТВО ПО ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ  
ПРИ МИНИСТЕРСТВЕ ЮСТИЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ IAP 06263

Ushbu patent O'zbekiston Respublikasining "Ixtirolar, foydali modellar va sanoat namunalari to'g'risida"gi Qonuniga asosan quyidagi ixtiroga berildi:

Настоящий патент выдан на основании Закона Республики Узбекистан «Об изобретениях, полезных моделях и промышленных образцах», на следующее изобретение:

**Аммоний фосфатларини олиш усули**  
Способ получения фосфатов аммония

Talabnoma kelib tushgan sana:  
Дата поступления заявки:

12.05.2017

Talabnoma raqami:  
Номер заявки:

IAP 2017 0180

Ustuvorlik sanasi:  
Дата приоритета:

12.05.2017

Patent egasi (egalari):  
Патентообладатель(и):

Наманган муҳандислик-қурилиш институти, UZ  
